

“ТАСДИҚЛАЙМАН”  
Вилоят ҳокимлиги хузуридаги  
Жамоатчылык кенгаши раиси  
~~М.Мамадиярова~~  
“16” 09 2022 йил

**Вилоят ҳокимлигиде ўтказилган йиғилиш  
БАЁНИ №\_\_\_\_\_**

“16” 09 2022 йил

Навоий шаҳри

**Раислик қилувчи:**

**М.Мамадиярова** – вилоят ҳокими  
ўринбосари в.б., кенгаши раиси

**Қатнашдилар:**

**Кенгаши аъзолари**

**Корхона, ташкилот раҳбарлари**  
(рўйхат бўйича)

**КУН ТАРТИБИДА:**

**Коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини ошириш тўғрисида**

(М.Мамадиярова, Ш.Набиев, Н.Тогаева, Ш.Джусаев, ..., М.Мамадиярова)

Кун тартибидаги масала юзасидан вилоят ҳокими ўринбосари в.б/, кенгаши раиси М.Мамадиярова сўзга чиқиб, 2017 йил 3 январда қабул қилинган “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун соҳадаги ҳукуқий муносабатларни тўлиқ қонуний тартибга солишга, давлат органлари, ташкилотлар ҳамда фуқаролик жамияти институтлари томонидан амалга оширилаётган коррупцияга қарши чора-тадбирлар самарадорлигини кўтаришга, фуқароларнинг ҳукуқий онги ва маданиятини юксалтириш орқали жамиятда коррупциянинг ҳар қандай кўринишларига тоқат қиласлик муҳитини яратишга хизмат қилиши билан аҳамиятли эканлигини алоҳида қайд этиб ўтди.

Шу билан бирга, коррупция жиноягининг вужудга келиш тарихи тўғрисида, жумладан, коррупция – бу мансабдор шахслар фаолияти билан боғлиқ жиноят эканлиги, коррупцияга қарши курашиш бўйича Сингапур давлатининг олиб борган тажрибаси алоҳида муҳим аҳамиятга эга эканлиги, коррупциянинг олди олиниши натижасида ушбу давлат ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олганлиги таъкидланиб, коррупцияга қарши курашишнинг энг самарали усулларидан бири – ҳар қандай соҳада, тизимда

коррупция ҳолатларнинг вужудга келтирувчи шарт-шароитларга барҳам берилиши кераклиги ҳақида фикр-мулоҳазалар билдириди.

Йиғилиш давомида кенгаш аъзолари хуқуқ-тартибот органлари вакилларидан соҳа бўйича ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олишди.

Йиғилишда келгусида давлатимиз равнақи учун ҳар бир Ўзбекистон фуқароси масъул эканлиги, коррупцияга қарши курашиш – бутун бир миллат зиммасидаги масъулият эканлигини англаб, миллий давлатчилигимиз равнақи учун барча сидқидилдан меҳнат қилиш лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Йиғилишда сўзга чиққанларнинг фикр ва мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда йиғилиш

## **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

**1. Кун тартибидаги масала юзасидан вилоят ҳокими ўринбосари в.б., кенгаш раиси М.Мамадиярованинг ахбороти маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.**

**2. Вилояти ҳокими матбуот котиби – ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси (Б.Пирнафасов)га:**

“Коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини ошириш жамият тараққиётини кафолати” мавзусида видео роликлар тайёрлаш ҳамда ижтимоий тармоқ саҳифаларига жойлаштириш вазифаси топширилсин.

**3. Вилоят адлия бошқармаси (А.Сарабеков)га:**

фуқароларнинг хукуқий онги ва маданиятини юксалтириш орқали жамиятда коррупциянинг ҳар қандай кўринишларига тоқат қиласлик муҳитини яратиш, бу борада барча туман (шаҳар)ларда аҳоли ўртасида давра сұхбатлари ўтказиш, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш вазифаси топширилсин.

**4. Барча ҳудудий бошқарма, корхона, ташкилот раҳбарларига:**

ўзлари раҳбарлик қилиб келаётган идорада ходимлар ўртсида коррупциянинг жамият тараққиётига заарли оқибатлари хусусида хукуқни муҳофаза қилиувчи органларни таклиф этган ҳолда семинарлар ташкил қилиш вазифаси топширилсин.

**5. Ушбу йиғилиш баёни ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдирман.**

**Баёнлаштириди**

**А.Муқимов**